# ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантиришнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан қўйган вазифаларига бағишланган**

## “Тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги”

**мавзусидаги республика семинарини ўтказишни эълон қилади.**

**Семинар рефератлар конкурси якуни бўйича ўтказилади.** Конкурсга кичик, ўрта ва хусусий бизнесни ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечими бўйича таклифларга бағишланган мажмуавий ёки аниқ йўналишлардаги қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган рефератлар (давлат тили ва рус тилида) қабул қилинади:

- ***корхоналарни ташкил этиш жараёнларини соддалаштириш;***
- ***тадбиркорлик тузилмаларини хомашё, кредит заҳиралари, асбоб-ускуна ва материаллардан доимий фойдалана олиш механизмини эркинлаштириш;***
- ***кичик ва ўрта тадбиркорликни банклар, йирик корхоналар ва бошқа бозор инфратузилмалари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;***
- ***республикада ва хорижда кичик ва ўрта тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш механизми ҳамда бозорини ташкил этиш;***
- ***бизнесни назорат этувчи турли органларнинг ҳуда-беҳуда аралашувларидан ҳимоялаш;***
- ***кичик бизнес учун профессионал ва билимдон бошқарувчи кадрларни тайёрлашни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш;***

Конкурсда ёшлар, тадбиркорлар, олимлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, тадбиркорлар ташкилотлари, бозор инфратузилмалари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари, раҳбарлари ва бошқалар иштирок этиши мумкин.

Рефератларни, машинка ёзувида ҳажми 12 бетдан кўп бўлмаган ҳолда (қўшимча равишда муаллиф нуқтаи назарини асословчи иловалар бўлиши мумкин), 2000 йил 1 мартгача Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, республика семинарини ўтказувчи ташкилий қўмитага жўнатишингизни сўраймиз.

Рефератлар ёзма равишда ёки электрон узатгичда, почта орқали, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг электрон почтаси ва модем тармоғи ёрдамида тақдим этилиши мумкин.

**Семинар 17-18 март кунлари Фарғона шаҳрида ўтказилади. Бунда бир қатор вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари иштирокида конкурс қатнашчиларининг маърузалари тингланади, тадбиркорликни ривожлантиришга монелик қилаётган муаммолар кенг ва чуқур муҳокама қилинади ҳамда конкурс ғолиблари аниқланади. Тадбиркорликни ривожланиш муаммоларини ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.**

**Ташкилий қўмита томонидан қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:**

**Биринчи мукофот - 100 минг сўм** | **Иккинчи мукофот - 75 минг сўм** | **Учинчи мукофот - 50 минг сўм** | **5 та рағбатлантирувчи мукофот - ҳар бири 20 минг сўмдан**

**Семинар ташкилотчилари:** республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Фарғона вилоят хокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти, «Ўзтадбиркорбанк», “Мадад” суғурта агентлиги, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, Фарғона вилоят бизнес - мактаби.

*Манзил: 700047, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 6.*
*Боғланиш телефонлари: 1330699, 1320907.*
*E-mail: root @ rptp. co. uz.*
*Модем: 1320903.*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

**иш жойининг ўзидан тижорат таклифларини бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйича тарқатиш имконини берувчи**

Ўзбекистонда биринчи!

## “MAROQAND”

кўп вазифали ахборот марказини ишга туширди.

Кўп вазифали **“MAROQAND”** ахборот маркази замонавий электрон почта ва Интернет тармоғи орқали республика, 14 ҳудудий ва 206 туман (шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, шунингдек палата тизимига кирувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларида йиғилган ўн минглаб товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларнинг ахборотларини умумлаштиради ва бутун мамлакат тадбиркорларига ундан фойдаланиш имкониятини яратади.

**Сиз азиз мулкдорларни**
ўз маҳсулот ва хизматларингизнинг олди-сотдиси ва рекламаси, тижорат ва инвестиция таклифлари ҳамда барча турдаги ахборотларингизни Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг бош маълумот базасида **бепул** жойлаштиришга таклиф этамиз!

**Таклифлар** ҳамма ҳудудий ва туман (шаҳар) палаталарида қуйидаги шаклда **қабул қилинади.** Уларни малакали мутахассислар бош маълумот базасига киритадилар ва **Сизни** қизиқтирган барча маълумотларни берадилар.

Корхона номи:______________________________________________

Реквизитлари:____________________________ Телефон:____________________

| Товарнинг тури | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Жўнатиш шакли | Тўлов шакли | Товарнинг турган жойи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

**“MAROQAND”** кўп вазифали ахборот марказига мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари **абонент** бўлиши мумкин.

**Бизнинг тармоққа улансангиз, Сиз ўз маҳсулотларингизни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги кўп сонли харидорларга, келажакда эса, Интернет тизимида ҳам, таклиф этиш ва энг янги тижорат ахборотларидан кечаю-кундуз фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.**

**“MAROQAND”** кўп вазифали ахборот марказининг алоқа телефони ва электрон почтаси: **132 09 04, Email: root@rptp.co.uz**

## Тижорат таклифларини қабул қилувчи вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг манзиллари

| Вилоят | Манзил | Телефонлар | Вилоят | Манзил | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 742000, Нукус шаҳри, А.Темур кўчаси, 112 а. | Тел.:факс: (361-22) 20296 | **Сурхондарё** | 732000, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 25-уй. | Тел.: (376-22) 37415, ф. 32709 |
| **Андижон** | 710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 122. | Тел.: факс:(374-2) 221737 | **Сирдарё** | 707000, Гулистон шаҳри А. Навоий кўчаси, 29- уй. | Тел.: факс:(367-2) 250700 |
| **Бухоро** | 705018, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 10-уй. | Тел.: (365-22) 34317 ф.30682 | **Тошкент** | Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 42 - уй. | Тел.:(371-2) 671534, ф. 671528 |
| **Жиззах** | 708000, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 63-уй. | Тел.: факс: (372-22) 33643 | **Хоразм** | 740000, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 27. | Тел.: факс: (362-22) 65244 |
| **Навоий** | 706000, Навоий шаҳри, Петров кўчаси, 29-уй. | Тел.: (436-22) 53960, ф. 34517 | **Фарғона** | Фарғона шаҳри, М.Қосимова кўчаси 58-уй. | Тел.: (373-2) 245958, ф.244345 |
| **Наманган** | 716002, Наманган шаҳри, У. Носир кўчаси, 7-уй. | Тел.: (369-22) 62929, ф.64181 | **Қашқадарё** | 730000, Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй. | Тел.: (375-22) 45343, ф. 30693 |
| **Самарқанд** | 703007, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 148-уй. | Тел.: факс: (366-2) 311742 | **Тошкент ш.** | 700015, Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси,12-уй. | Тел.: (371-2) 1526459, ф.551557 |

